Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 22-sentabr. Shanba • 116 (31.548) • Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛИ МЁН БАКНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 19-21 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТДА БЎЛДИ.**

Ўзбекистон Президентига юксак ҳурмат ифодаси сифатида, Ислом Каримовнинг буюк етакчилик фазилатлари ва Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссасининг эътирофи сифатида Жанубий Корея раҳбарининг ташаббуси билан ушбу ташрифга яна давлат ташрифи мақоми берилди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари ижро этилиши ва фахрий қоровул ротаси томонидан олий мартабали меҳмонга юксак ҳарбий эҳтиром кўрсатиш каби таомилларни кўзда тутувчи расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Президент Ислом Каримов билан яна учрашиб турганидан ғоят мамнун эканини, улар ўртасидаги муносабатлар ўзаро дўстлик ва ишончга асосланганлигини таъкидлади. Корея раҳбари мазкур ташриф Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда амалга оширилаётгани унинг аҳамиятини янада оширишини алоҳида қайд этди.

Халқларимиз азалдан савдо ва ҳар томонлама гуманитар алоқалар ўрнатган, ўзаро билим ва тажриба алмашган, бир-бирини маданий ва маънавий жиҳатдан бойитиб келган. Меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат ва оилавий қадриятларни эъзозлаш, меҳмондўстлик, очиққўнгиллик каби кўплаб фазилатлар ўзбек ва корейс халқларига бирдек хос бўлиб, уларни бир-бирига яқинлаштиради. Бир пайтлар ўзбек халқи тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минглаб корейсларга меҳр-оқибат ва олийҳимматлик билан бошпана берганини корейс халқи ҳеч қачон унутмайди. Айни вақтда кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас қисмига айланган мазкур миллат вакиллари юртимизга келганининг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор топган ва бу алоқалар кундан-кунга янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Мамлакатларимиз раҳбарлари очиқлик ва ошкоралик руҳида фикр алмашдилар ва ўзаро муносабатларни, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан томонларнинг қарашлари ўхшаш эканини тасдиқладилар.

Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди, томонларнинг ўзаро муносабатларнинг барча соҳаларидаги амалий ҳамкорликка янги суръат бахш этишга бўлган муштарак интилишини яққол намойиш этди.

Томонлар Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган ва 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил кенгайиб ва янги мазмун билан бойиб бораётган ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистонда Корея Республикасига жадал ривожланаётган, улкан иқтисодий, индустриал-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга, глобал молиявий инқироз шароитида илғор инновацион технологияларни кенг жорий қилиш ва амалиётга фаол татбиқ этиш асосида барқарор ўсиш суръатларини намойиш қилаётган замонавий давлат сифатида қаралади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг узоқ муддатли, ишончли ва вақт синовидан ўтган стратегик шериги бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам, тизимли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қарор топган.

Сиёсий соҳада давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган, иқтисодиёт ва тижорат тузилмалари, банклар, компаниялар ўртасида ҳам изчил ҳамкорлик амалга оширилмоқда. 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошди, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич қарийб 50 фоиз ўсди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 230 дан зиёд ҳужжат имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг музокаралари якуни бўйича томонларнинг ўзаро манфаатли соҳаларда икки мамлакат халқларининг туб ва узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилувчи ҳамкорликни истиқболда ҳам ривожлантириш мақсади тасдиқланган Қўшма баёнот имзоланди.

Президентлар Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ҳуқуқий соҳада, сайёҳлик ва молия йўналишларида ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланганидан, шунингдек, қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган ва бунда Кореянинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 3 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилувчи шартномалар тузилганидан мамнуният изҳор қилдилар.

Мазкур лойиҳаларда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини, Навоий шаҳри аэропорти базасидаги халқаро интермодал логистика маркази ва «Ангрен» эркин индустриал зонасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Қабул қилинган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликнинг машинасозлик, энергетика, енгил саноат, фармацевтика, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, нефть-кимё, электроника маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларини ҳам қамраб олган. Бу билан мамлакатларимиз стратегик ҳамкорлигининг асоси янада мустаҳкамланмоқда ва ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имкониятлари яратилмоқда.

Корея Республикаси Президенти дунёда беқарор молиявий-иқтисодий аҳвол давом этаётган шароитда Ўзбекистон Республикасининг мувозанатли ва барқарор ривожланаётганини юқори баҳолади.

Шунингдек, томонлар Ўзбекистонда Корея Эксимбанкининг Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) линияси бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, энергия таъминоти, қишлоқ хўжалиги ва экология каби соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда молиявий-техник ёрдам бериш бўйича ўзаро манфаатли инвестицион ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Таълим, фан, спорт, тиббиёт ва сайёҳлик соҳасида ўзаро самарали ҳамкорлик давом этмоқда, талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар алмашиш фаоллашмоқда.

*(Давоми 2-бетда.)*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**2012 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ТАКЛИФ ЭТГАН КУН ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАГАНДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИГА ДОИР МАСАЛАНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА КИРИШДИЛАР.**

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети 2012 йилнинг биринчи ярмида Олий Мажлис маъқуллаган параметрларга мувофиқ, шунингдек, жорий йилнинг 19 январь куни ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2012 йилга мўлжалланган дастуридаги энг муҳим устуворликларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириш туфайли ижро этилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, ЯИМ ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликни, банк-молия соҳаси барқарор ишлашини таъминлади. Бундай натижага, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология жиҳатидан қайта жиҳозлаш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига эришилди.

Натижада Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди, инқироз прогнозда назарда тутилган даражада сақлаб қолинди.

Саноат тармоқларидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача туширилганлигига қарамай, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг худди шу даврига таққослаганда солиқнинг ушбу тури бўйича бюджетга тушум 29,1 фоизга кўпайган, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган қуйи солиқ ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ҳисобот даврида ўтган йилнинг худди шу даврига қиёслаганда тушумлар 21,3 фоизга кўпайган.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг даромад қисми 100,2 фоиз қилиб бажарилган.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганига кўра, Давлат бюджетининг харажатлари ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиб, улар биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун ажратилган. Хусусан, бюджет харажатларининг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, 9,6 фоизи иқтисодиётга, 4,4 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга, 2,9 фоизи давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва судларнинг таъминотига йўналтирилган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг ноль разряди бекор қилиниб, республикадаги барча ташкилотлар учун меҳнатга тўланадиган ҳақ тариф сеткасининг биринчи разрядидан паст бўлмаган миқдорда белгиланганлиги, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ ставкаларининг камайтирилганлиги ҳисобот даврида ўртача ойлик иш ҳақининг 19,4 фоизга, шунингдек, аҳоли жами даромадларининг 26,1 фоизга ўсишини таъминлади.

*(Давоми 2-бетда.)*

Бошланғич ташкилот — асосий таянч!

# ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ТАЪСИРИ

## қуйи бўғин фаоллигига боғлиқ

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИНИ ЮКСАЛТИРИШ, МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИНИ ОШИРИШДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ КАТТА.**



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

Олмазор туманида ЎзХДПнинг 3700 нафарга яқин аъзоси 122 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Уларнинг кўпчилигида партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш борасида катта тажриба тўпланган. Айниқса, «Бекас фуд» масъулияти чекланган жамиятида тузилган бошланғич партия ташкилоти бу борада бошқаларга ибрат бўлмоқда.

— Жамоамизда ўттиз нафардан ортиқ ЎзХДП аъзоси бор, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Азиз Исмоилов. — Бу ерда бошланғич ташкилот учун алоҳида хона ажратилган ва интернет тармоғига уланган компьютер билан жиҳозланган. Бундан ташқари, ахборот-маърифат бурчаги ҳам ташкил этилган. Ҳар ойда икки марта сиёсий ўқувлар ташкил этиб борамиз. Унда мамлакатимиз ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар борасида фикр-мулоҳаза алмашамиз.

Бундай тадбирлар партия аъзолари сиёсий билимини оширишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, бошланғич ташкилотни фаоллаштиради, партиянинг жамиятдаги таъсирини кучайтиради.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эътироф

# МЕҲНАТ ВА МАҲОРАТНИНГ МУНОСИБ БАҲОСИ

**КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ОЛИМПИЯ ШОН-ШУҲРАТИ» МУЗЕЙИДА ЛОНДОН (БУЮК БРИТАНИЯ)ДА ЎТКАЗИЛГАН XXX ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ҲАМДА XIV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИАДАДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРНИ ТАНТАНАЛИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳар томонлама баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек улуғ мақсад йўлида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу эзгу ният билан боғлиқ.

⇨ 4



# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ташриф доирасида Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Кан Чхан Хи билан учрашди. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотлари ҳақида фикр алмашилди, ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришдан томонлар манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Президент Ислом Каримов ва Спикер Кан Чхан Хи олий даражадаги стратегик ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш борасида икки мамлакат парламентларининг фаолиятига юксак баҳо берди. Томонлар парламентлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш, икки мамлакатнинг парламент тузилмалари ўртасида алоқаларни, ахборот ва тажриба алмашишни кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Бош вазири Ким Хван Сик билан ҳам учрашди.

Ислом Каримов ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги кўп қиррали иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканини ва иқтисодиётларимиз бир-бири билан рақобатлашмаслигини, аксинча, турли йўналишларда бир-бирини тўлдириб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Корея Республикаси Бош вазири икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётганини юксак баҳолади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 400 дан зиёд қўшма корхона, жумладан, юз фоиз Корея капитали иштирокида 64 корхона ташкил этилган. Кореялик бизнес вакилларининг фаол иштироки натижасида мамлакатимизда қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда, хусусан, «Сурғил» кони негизида қиймати 4 миллиард долларлик Устюрт газ-кимё комплекси ва Навоий шаҳрида интермодал логистика мажмуи барпо этилмоқда.

Ислом Каримов ва Ким Хван Сик мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга икки томон ҳам доимо тайёр эканини билдирди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазири Менг Хюнг Кю, «ПОСКО» компаниялари гуруҳи президенти Чунг Жунг Янг, «Ханжин групп» ва «Кореан эйр» компаниялари раиси Чо Янг Хо билан ҳам учрашди. Учрашувларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Кореянинг етакчи компанияларини янги минерал хомашё конларига ишлов бериш, транспорт, логистика ва ахборот технологиялари соҳасига оид лойиҳаларга жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон билан Корея муносабатлари тарихида янги саҳифа очди.

Учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига тўлиқ жавоб бериши ва ҳамкорликнинг мавжуд бой салоҳиятини самарали амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Томонлар стратегик шерикликни фаоллаштириш, сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва барча соҳалардаги муносабатларни ўзаро манфаатли асосда чуқурлаштиришга тайёр эканини яна бир бор намоён этди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент — Сеул — Тошкент.*

**Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси**

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъминлашга кенг йўл очади

**ШУ САБАБЛИ ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР ҲАМДА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БУ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАЯПТИ.**

Бу бежиз эмас албатта. Чунки юртимиз тараққий этгани сари аҳолининг хизмат кўрсатиш ва сервисга эҳтиёжи ҳам ўсиб бораяпти. Ана шу талабни қондириш баробарида, энг аввало, янги иш жойлари ташкил этилади, оилалар учун қўшимча даромад манбаи яратилади.

Демак, мазкур йўналишдаги тегишли дастурларда назарда тутилган объектлар ўз вақтида ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун жамоатчилик ва депутатлик назоратини ҳар бир туманда тизимли йўлга қўйиш талаб этилади.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб ҳамда партиямиз электорати манфаатидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Қоракўл туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича мониторинг ўтказди.

Таъкидлаш керакки, бу соҳада туманда қатор ижобий ишлар амалга оширилаяпти. **Айни кунда 1000 га яқин ҳар хил турдаги хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг биринчи ярмида соҳада 982 та иш ўрни яратилди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 38 миллиард сўмни ташкил қилди.**

Шунингдек, 2012 йил учун аҳолига замонавий турдаги хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш ва шу орқали одамларнинг, хусусан, кам таъминланган, жисмоний имконияти чекланган бўлсада меҳнатнинг муайян турига лаёқатли фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида 35 та хизмат кўрсатиш шахобчаларини қуриш режалаштирилган эди. Июль ойининг охирига қадар улардан 2 таси ишга туширилди. 17 та шахобчанинг қурилиши давом этаяпти, қолганларида эса лойиҳа тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

— Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали одамлар оғири енгил бўлади, — дейди **туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Файзулла Бебутов.** — Шу боис, соҳа тараққиёти учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. Бироқ, бу борада ҳали талайгина камчиликларимиз, ечимини кутаётган муаммолар бор. Масалан, **туманда 2012 йилда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ижросини ташкил қилиш бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Бироқ улар фаолиятининг таъсири сезилмаяпти.**

Бу эса айрим қишлоқ жойларида, айниқса, чекка ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, сифатини ошириш борасида қилиниши лозим бўлган ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилишига сабаб бўлаяпти. Мисол учун, ҳозирги вақтда Сайёд, Човли, Қорахожи, Жиғачи, Чандир қишлоқ фуқаролар йиғинларида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожи жуда суст. Сартарошхона, пойабзал таъмирлаш, маиший ва электротехника воситаларини тузатиш каби хизматларга эҳтиёж катта.

Шунингдек, вилоятда хизмат кўрсатиш жон бошига 645,6 минг сўмга тўғри келган бир вақтда бу кўрсаткич туманда 263,8 минг сўмни ташкил қилаяпти. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида 340 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган бўлса, шундан бор-йўғи 3 таси сартарошхона, 1 таси пойабзал таъмирлаш устахонаси холос.

— Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш партиямиз электорати манфаатига бевосита дахлдор масала, — дейди **халқ депутатлари туман кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Меҳмон Янгиев**. — Бу билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини иш билан таъминлаш имконияти кенгаяди. Шу боис, бу борада қатъий назорат-таҳлил ишларини олиб бордик. Мониторинг жараёнида ойдинлашган камчиликларни бартараф этиш, ишни янада жонлантириш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш учун 4 маротаба депутатлик гуруҳи йиғилиши ўтказилди. Шундан сўнг масала ва унинг ечимига доир таклифлар аввал тегишли доимий комиссия, 21 июль куни эса сессия муҳокамасига киритилди.

Сессияда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини кредит ресурслари билан таъминлаш, лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, бу борада мутасадди идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда мазкур йўналишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича қарор қабул қилинди. ЎзХДП депутатлик гуруҳи қарор ижроси ўз вақтида таъминланишини назорат қилмоқда.

Айни вақтда 13 нафар депутатни бирлаштирган депутатлик гуруҳи электорат манфаати билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ўрганиб, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқишда ташаббус кўрсатиши зарур. Депутатлик гуруҳи қанча фаол бўлса, электорат манфаати шунча ишончли ҳимоя этилади, партиямизга одамлар ишончи ортади.



**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Ўз-ўзини танқид**

# АХБОРОТ-МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИ

## имкониятидан самарали фойдаланиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш зарур

**СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИДА МУСТАҲКАМ АХБОРОТ БАЗАСИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЭЛЕКТОРАТ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИ, ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ ТАРҒИБОТЧИЛАР ГУРУҲЛАРИ ИШИНИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИШ АХБОРОТ-МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ.**

ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошида ташкил этилган Ахборот-маърифат хоналарида турли соҳага тегишли 18 мингдан зиёд адабиёт мавжуд. Шундан 13 мингга яқини сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, қолганларини эса бошқа соҳаларга тегишли адабиётлар ташкил этади. Партия маҳаллий Кенгашлари Ахборот-маърифат хоналарининг аксарияти замонавий компьютер техникаси билан таъминланган. Жорий йилнинг ўтган даврида партия Марказий Кенгаши Ахборот услубият маркази томонидан 9 та услубий қўлланма тайёрланиб, барча минтақавий партия кенгашларига юборилди.

Бироқ бу материаллар айрим вилоят партия кенгашлари томонидан жойларга етказиб берилмаяпти. Ахборот-маърифат хоналари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, адабиётлар фондини бойитиш, партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятига оид маълумотларни янгилаб бориш ишлари талаб даражасида эмас. Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарорида назарда тутилган вазифалар охиригача бажарилмаяпти. Шу сабабли Ахборот-маърифат хоналари фаолиятида қатор камчилик ва фойдаланилмаган имкониятлар кўзга ташланмоқда.

Айни пайтда Наманган вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларида 12 та Ахборот-маърифат хонаси мавжуд. Аммо вилоят партия кенгаши Ахборот-маърифат хонасининг ўзида адабиётлар етарли эмас. Шунингдек, кенгашда партия фаолиятининг турли йўналишлари бўйича методик қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни жойларга юбориш масалаларига етарли эътибор қаратилмаяпти. Ахборот-маърифат хоналарининг моддий-техника базаси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Наманган шаҳар, Наманган, Чортоқ ва Тўрақўрғон туман кенгашларида ишлар яхши йўлга қўйилган бўлса-да, Учқўрғон, Норин, Чуст, Поп ва Янгиқўрғон туман кенгашларида бу борада қатор камчиликларга йўл қўйилган. Ахборот-маърифат хоналари номига ташкил этилган. Шу сабабли бу ерда электорат вакилларини ҳам, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ёки депутатларимизни ҳам учратмайсиз.

Бунга, энг аввало, партия кенгашлари раҳбарлари ва фаолларининг масъулиятсизлиги сабаб бўлмоқда. Ахборот-маърифат хоналари имкониятидан самарали фойдаланилмаётгани оқибатида сиёсий семинар машғулотлари ҳам қуруқ маърузалардан иборат бўлиб қолмоқда, уларда замонавий усуллар, сиёсий технологиялар қўлланилмаяпти.

Бундай мисолларни бошқа минтақалардан ҳам келтириш мумкин. Ахборот-маърифат хоналарининг ишини яхшилаш, жонлантириш партия кенгашлари фаолияти самарасини оширишда катта аҳамиятга эга. Шундай экан, минтақавий партия кенгашлари улар фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратиши, бу борада аниқ чора-тадбирлар кўриши зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Аброр ҚУРБОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ҳисобот даврида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёш оилаларга жами суммаси 14 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар берилди. Умуман олганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун йилнинг ўтган даври ичида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан салкам 1,1 триллион сўм, шу жумладан, Давлат бюджети ҳисобидан 100 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Мажлисда эришилган натижалар билан бир қаторда ҳанузгача ўз ечимини топмаган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Чунончи, депутатларнинг фикрига кўра, ҳисобот даврида айрим корхоналарда зиёнига ишлаш ва фойда ҳажмларининг камайишига йўл қўйилган, бир қатор бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатилмаганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд, шунингдек, маблағлардан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга ҳам йўл қўйилган. Таъкидландики, бундай ҳолат юзага келишининг бир қатор сабаблари бор, масалан, қонун ҳужжатларининг талаблари, хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талаблари тўлиқ ҳажмда бажарилди, деб бўлмайди.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳисоботнинг батафсил муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Музокаралар чоғида ЎзЛиДеП фракцияси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратилганлигини ва солиқ имтиёзлари берилганлигини алоҳида таъкидлади. Саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ушбу турдаги солиқнинг бюджетга тушуми кўпайганлиги устида тўхтаб ўтилди. Айни бир вақтда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунларнинг талабларини жойларда амалга ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар тўлиқ ҳажмда ижро қилинишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари талабларини амалга ошириш ҳақида таклифлар баён этилди.

**ЎзХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини, хусусан, харажатларнинг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш 2012 йилнинг биринчи ярмида 510,5 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди. Жумладан, уларнинг 345 мингтаси ёки 67,6 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар ҳам муваффақиятли амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Айни бир вақтда ЎзХДП фракцияси аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларини, айниқса, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур эканлиги тўғрисида фикр билдирди.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни янада ривожлантириш муҳим эканлигига эътиборни қаратдилар. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришни рағбатлантирувчи тегишли инфратузилмани яратишга ажратилаётган маблағларни самарали сарфлаш муҳим аҳамиятга молик эканлиги таъкидлаб ўтилди. «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари туризм фаолиятига доир қонун ҳужжатларини, шунингдек, бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш орқали хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантириш зарурлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар, бинобарин, бу Давлат бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш манбаларини кенгайтиришга кўмаклашади.

«Адолат» СДП фракцияси аъзолари инновацияларга асосланган иқтисодиётни модернизациялашга бюджет маблағларидан сарфлаш муҳим эканлигини таъкидладилар. Бунинг учун, фракциянинг фикрига кўра, илмий тадқиқотлар ва ечимларга Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, депутатлар энергиянинг қайта тикланадиган манбалари тизимини ривожлантиришга маблағлар ажратиш зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағлар ҳажми йил сайин кўпайиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, 2012 йилнинг биринчи ярмида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга 47,3 миллиард сўм ажратилган. Бундан ташқари, Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига ажратилаётган бюджет маблағларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш муҳимлиги устида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилдилар. Ҳукуматга бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга, хусусан, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Парламент аъзолари Давлат бюджетига доир ҳисобот юзасидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакилларига бир қатор саволлар билан мурожаат қилдилар.

Муҳокама давомида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати.**

Истиқлол имкониятлари

# АНДИЖОННИНГ БУГУНГИ ЧИРОЙИ *барчанинг ҳавасини келтирмоқда*






**МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТУРАР-ЖОЙ МАССИВЛАРИНИНГ КОММУНАЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 2011-2015 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БИРГИНА АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИНИ ОЛАЙЛИК. БУ КЎЧАДА ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ БУТУН БИР КЎРКИ ТАРОВАТИ, ЯНГИ ЧИРОЙИ МУЖАССАМ.**

Бу кўчанинг оқшоми, айниқса, жозибали. Металл устунлардаги замонавий чироқлар тунни кундузгидек ёритади. Кечаги кўримсиз уйлар ўрнида бугун қўшқаватли янги, замонавий уйлар қад ростлади. Пастки қаватда савдо, маиший ва сервис хизмати кўрсатувчи шохобчалар жойлашган. Юқори қаватда эса оилалар истиқомат қилади.

Бугун ҳам Андижонда бунёдкорлик ишлари кенг кўламда давом этмоқда. Айни чоғда шаҳарнинг 16 та кўчасида қурилиш ишлари қизғин боряпти, йўллар, хиёбонлар, майдонлар кун сайин обод бўлмоқда.

Шаҳар аэропорти атрофи янгидан ободонлаштирилди. Кенг, равон йўлнинг икки томонидаги турфа ранг гуллар кўзни қувонтиради.

Андижондаги бу ибратли ишларни кўриш, тажрибаларни ўрганиш учун турли вилоятлардан мутахассислар, меъморлар ташриф буюрмоқда.

— Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманиданман, — дейди Чори Шодмонов. — Тўғриси, бугунги Андижонни кўриб, ҳайратга тушдим. Бунақа гўзал бинолар, кўчаларга ҳамманинг ҳаваси келади. Вилоятнинг туманларида ҳам катта ўзгариш, янгиланишлар бўлаётганини кўриш мумкин.

Олтинкўл тумани марказида замонавий савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари мажмуаси қад ростлади. Сарфланган 4,5 миллиард сўм маблағнинг деярли тенг ярми тижорат банклари кредитлари ҳисобига тўғри келди. Шу муносабат билан 175 та янги иш ўрни яратилди.

Хўжаобод шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида ҳам қисқа вақт ичида юзга яқин икки-уч қаватли бинолар бўй кўрсатди. 206 та савдо, маиший ва сервис хизмати шохобчалари бунёд бўлди. Уч юзга яқин янги иш ўрни очилди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш ишлари жадал боряпти. Бу йил вилоятнинг 27 даҳасида 770 та замонавий янги уйлар эгаларига топширилади. Шунингдек, жорий йил дастурига мувофиқ, 38 километр ичимлик суви, 21 километр табиий газ, 24 километр электр манбаи тармоғи, 22 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 107,2 фоизни, саноат маҳсулотлари 106,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 106,9 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 109,9 фоизни ташкил этди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати эса 153 фоизга тенг бўлди.

**Шу йилнинг биринчи ярмида ҳудудий инвестиция дастури доирасида 27 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция жалб этилган бўлса, унинг 17 миллион АҚШ долларидан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келади. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, 107 та лойиҳа амалга оширилиб, 37 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки 20 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий валюта иқтисод қилинди.**

Жорий йил биринчи ярмида вилоятда жами 260 та ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Жумладан, Қўрғонтепа туманидаги «Ю-Фидо» ишлаб чиқариш савдо фирмаси томонидан замонавий пайпоқ тўқув дастгоҳлари келтирилиб, 15 та янги иш ўрни барпо этилди.

Олтинкўл туманида лойиҳа қиймати 474 минг АҚШ долларига тенг, автомобиллар учун йилига 250 тонна антифриз ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон — Корея «Даегон-престон», Ўзбекистон — Лихтенштейн «Кравтекс» қўшма корхоналари фойдаланишга топширилиб, 40 та янги иш ўрни очилди.

Вилоятда бунёдкорлик ишлари изчил ва қизғин давом этмоқда. Булар ҳаммаси одамлар манфаатига хизмат қилмоқда.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Хориж

## 132 НАФАР МАҲБУС

*қамоқхонадан қочди*

***Мексиканинг АҚШга чегарадош Коауила штатидаги Пьедрас Неграс шаҳрида жойлашган қамоқхонадан 132 нафар маҳбус қочиб кетди, дея хабар беради «Reuters» АА.***



Прокуратура маълумотларида қайд этилишича, маҳбуслар қамоқхонадаги эски дурадгорлик устахонасидан узунлиги 7, эни 1,2, чуқурлиги 2,9 метрга тенг ерости йўлаги қазиб, ташқарига чиқишга йўл очган.

Хавфсизлик хизмати ходимлари қамоқхона қўриқчилари бу ишлардан хабардор топган бўлиши, аммо пора эвазига сотилган бўлиши мумкинлигини айтмоқда. Чунки шунча иш қилинади-ю бирорта қўриқчи кўрмай қолиши... ишониш қийин, дейишмоқда улар.

Штат маъмурияти қочоқларни кўрган ва уларни тутишга ёрдам берганлар учун 200 минг песо (15,7 минг доллар) миқдорида мукофот пули эълон қилди.

Пьедрас Неграс қамоқхонасида 734 нафар маҳбус сақланади.

Маҳбуслар қочиши Мексикада биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. 2010 йилда ҳам чегара ҳудудидаги Нуэво-Ларедо қамоқхонасидан 150 нафар маҳбус қочиб кетган.

## ТИШНИ ҲИМОЯЛОВЧИ

*сунъий эмал яратилди*

***Япониянинг Кинки университети олимлари тишлар учун сунъий эмал яратилганини эълон қилди, дея хабар беради «Likar.info» нашри. Микроскопик бу эмал плёнкасифат бўлиб, унинг қалинлиги 0,0004 миллиметрни ташкил этади. У табиий тишлар эмали минералларидан — гидроксиапатитдан яратилган.***

У тишларни турли бузилишлардан ҳимоялайди ва сезгирлик қобилиятини меъёрда ушлаб туради.



Эндиликда олимлар унга оқ пигмент қўшишни мўлжаллаб турибди. Чунки у тишларга оппоқлик бағишлаб, кўркамлигини оширади.

Сунъий эмал тест синовларидан яхши ўтди. Шу боис яна 3-5 йиллардан кейин тишларни ҳимояловчи мазкур плёнка стоматологлар учун оммавий чиқарилиши мумкин.

Эълон

# Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги 1438- ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги 1474-сон Қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:

**Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Ассатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Ўзбекистон Банклари уюшмаси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун**

## БУЮРТМАНОМА

1.____________________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
______________________________________________

2.____________________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
______________________________________________
______________________________________________

3.____________________________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4.
Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.
Ташкилот раҳбари

______________________ / ______________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2- илова*

Инвестиция таклифининг

## НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона(мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3- илова*

Инвестиция таклифининг

## ПАСПОРТИ

______________________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

Эътироф

# МЕҲНАТ ВА МАҲОРАТНИНГ МУНОСИБ БАҲОСИ

Бугун Ўзбекистон фарзандлари энг йирик халқаро мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида ўзларининг ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этишмоқда. Дунёнинг энг кучли спортчилари орасида совриндорлар сафидан жой олиб, юртимиз шаънини янада улуғлашаётир. Жумладан, яқинда Лондон (Буюк Британия)да ўтказилган XXX ёзги Олимпия ўйинлари ҳамда XIV Паралимпиадада спортчиларимиз эришган ғалабалар шарафига Ватанимиз байроғи бир неча маротаба сарбаланд бўлди, давлатимиз мадҳияси янгради. Бу каби ёрқин ғалабаларга осонликча эришилмаяпти, албатта. Ҳамюртларимиз эришаётган юксак ютуқлар аввало Президентимиз Ислом Каримов томонидан соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.





Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишига тайёргарлиги тўғрисида»ги қарорига биноан спортчиларимиз жаҳон стандартларига мос янги спорт анжомлари билан таъминланди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ташкил қилинган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этди, қатор халқаро мусобақаларда тажриба ва маҳоратини оширди.

Бундай юксак эътиборга спортчиларимиз Лондон олимпиадасида ҳам муносиб натижалари билан жавоб беришганига гувоҳмиз. Мазкур нуфузли мусобақада эллик уч нафар олимпиячимиз спортнинг ўн беш тури бўйича майдонга чиқди. XXX ёзги Олимпия ўйинларида ер куррасининг 204 мамлакатидан спортчилар қатнашган бўлса, улардан фақат 54 давлат вакилларигина олтин медални қўлга киритди. Улар орасида Ўзбекистон спортчиларининг ҳам борлиги қалбларимизни чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Эркин курашчимиз Артур Таймазов (120 кг) шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олиб, кетма-кет учинчи бор ёзги Олимпия ўйинларининг олтин медали билан тақдирланди ва тарихий натижани қайд этди. Шунингдек, дзюдочи Ришод Собиров, боксчи Аббос Атоев ҳамда эркин курашчи Сослан Тигиевлар Лондон олимпиадасининг бронза медалларига сазовор бўлдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

XXX ёзги Олимпия ўйинлари якунлангач, мусобақа ғолиб ва совриндорлари мамлакатимизда катта тантаналар билан кутиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 август куни қабул қилинган «Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган ҳиссаси учун бронза медали соҳиблари бўлган Ришод Собиров ва Сослан Тигиев «Ўзбекистон ифтихори», Аббос Атоев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Лондон олимпиадаси чемпиони Артур Таймазов юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш ишига қўшган ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшган спортчиларимиз — 150 минг ва 75 минг АҚШ доллари, шунингдек, «Малуби», «Ласетти» автомашиналари билан мукофотланишди.

Лондонда XXX ёзги Олимпия ўйинлари якунига етгач, салкам йигирма кун давомида қизғин мусобақаларга мезбонлик қилган кўркам ва муҳташам спорт иншоотлари яна бир катта спорт байрамига ўз бағрини очди. 29 август — 9 сентябрь кунлари Буюк Британия пойтахтида XIV Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 167 мамлакатидан 4461 нафар спортчи ўзаро кураш олиб борди.

Бундан тўрт йил муқаддам Пекинда ўтказилган XIII Паралимпия ўйинларида атиги бир спортчимиз қатнашган бўлса, бу гал ўн нафар вакилимиз — енгил атлетика, дзюдо, пауэрлифтинг ва сузиш мусобақаларида ўз омадларини синаб кўрдилар.

Лондон гиламларида чинакам матонат ва маҳорат кўрсатган ҳамюртимиз Шариф Халилов (73 кг) дзюдо бўйича кумуш медаль билан тақдирланди.

Сузиш баҳсларида вакилимиз Кирилл Паньков XIV Паралимпия ўйинлари тарихидан Осиёнинг янги рекордчиси сифатида жой олди. 100 метр масофага чалқанча ва баттерфляй усулларида сузиш бўйича ўн етти ёшли спортчимиз қитъа рекордларини янгилашга муваффақ бўлди.

Паралимпиаданинг енгил атлетика мусобақаларида олти нафар ҳамюртимиз майдонга тушган бўлса, уларнинг барчаси саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтиб, шахсий кўрсаткичларини яхшилаб олдилар. Айниқса, Ҳусниддин Норбеков, Миран Сахатов, Дониёр Солиев, Иван Панифидин, Муяссар Ибрагимова, Равиль Диганшинларнинг кўрсатган маҳорати мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

XIV Паралимпия ўйинларида иштирок этган 167 давлат спортчиларидан фақатгина 75 мамлакат вакиллари шоҳсупадан ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида фақат Ўзбекистон вакили совриндорлар қаторидан жой олди. Бу кўрсаткич бўйича спортчиларимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида бешинчи ўринни эгаллади.

**Кеча пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов фармонига мувофиқ, XIV Паралимпия ўйинларида маҳорат кўрсатиб, юртимиз довруғига довруғ қўшган Лондон паралимпиадаси совриндори, дзюдочи Шариф Халиловга 75 минг АҚШ доллари ҳамда «Ласетти» автомашинаси калити топширилди. Бундан ташқари, моҳир спортчимизга Бухоро шаҳри марказида жойлашган кўп қаватли уйдан уч хонали квартира калити ҳам тақдим этилди.**

Шунингдек, эркин кураш бўйича уч карра Олимпия чемпиони Артур Таймазовга пойтахтимизнинг Алишер Навоий шоҳ кўчасида қад ростлаган янги, замонавий кўпқаватли турар-жойдан беш хонали, Лондон олимпиадаси совриндорлари — дзюдочи Ришод Собиров, эркин курашчи Сослан Тигиев ҳамда боксчи Аббос Атоевларга уч хонали квартиралар калити топширилди.

Лондон (Буюк Британия)да ўтказилган XXX ёзги Олимпия ўйинлари ҳамда XIV Паралимпиадада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган бошқа спортчи ва мураббийларга ҳам қайд этган натижаларига мос равишда 5, 3 ва 2 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотлар берилди.

— Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан бошим кўкка етди, — деди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ҳамда Лондон олимпиадалари бронза медали совриндори Ришод Собиров. — Биз спортчиларнинг эришаётган натижаларимиз бу қадар эъзозланишини кутмагандим. Бунга жавобан келгусида албатта, Олимпия ўйинлари чемпиони бўлиш учун бор куч ва имкониятимни ишга солишга сўз бераман. Президентимиз ва халқимизнинг ишончини фақат ўз ғалабаларим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

— Лондонга фақат медаль учун курашаман, деб боргандим, — дейди Муяссар Ибрагимова. — Аммо 100 метрга югуриш мусобақаларида еттинчи натижа билан кифояландим. Паралимпиададан уйга қайтар эканман, қайд этган кўрсаткичимдан хижолат эдим. Бироқ бизни Тошкент халқаро аэропортида ғолиблардек тантанали кутиб олишганини кўриб, дилимдаги ғубор тарқалиб кетди. Бугун 5 минг АҚШ доллари билан мукофотландим. Очиғи, бундай эътибор ва ғамхўрлик ҳатто тушимга ҳам кирмаганди, кутмагандим ҳам. Энди барча эътиборни ишончни оқлашга қаратаман.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни юксалтириш, иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Энди бир ўйлаб кўрайлик, бундан йигирма бир йил муқаддам спортчиларга шундай эътибор қаратилиши мумкинмиди? Спортчига бундай мукофотлар берилишига ким ишонарди?

Таниқли боксчи, 1976 йилги Монреаль олимпиадаси совриндори, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев билан суҳбатларимиздан бирида, у Олимпия медали учун атиги 1000 рубль атрофида мукофот пули олганлигини айтиб ўтганди. Бугун Ватан шаънини улуғлаган спортчиларимизнинг меҳнати, маҳорати ва матонати муносиб тақдирланмоқда. Улар халқимизнинг, юртимизнинг ифтихори сифатида қадрланмоқда.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ»

## мусобақаларида кучлилар сараланди

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ САРОЙИДА ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ БЎЙИЧА БОЛАЛАР, ЎСМИРЛАР, ЁШЛАР ВА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА НАВБАТДАГИ МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. «МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ» НОМИНИ ОЛГАН МАЗКУР БЕЛЛАШУВЛАРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛГАН БЕШ ЮЗ НАФАРДАН ЗИЁД СПОРТЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.



— Халқимизнинг миллий қадриятларидан бири бўлган — ўзбек жанг санъатининг оммавийлигини ошириш, халқаро майдонда танитиш учун мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси раҳбари Пўлат Усмонов.

— Азалдан халқимиз яккакураш спорт турларига иштиёқманд, — дейди Қашқадарё вилояти ўзбек жанг санъати федерацияси ижрочи директори Зафар Холиқулов. — Бугунги кунда вилоятимизда ушбу спорт тури билан шуғулланаётганлар сони икки минг нафардан ошди. «Мустақил Ўзбекистон кубоги» баҳсларида вилоятимиз терма жамоаси йигирма икки нафар спортчи билан иштирок этмоқда. Улардан Жавоҳир Қаҳрамонов, Шаҳрўз Баҳромовлар олтин, Малика Чориева, Маъмуржон Жабборовларнинг эса бронза медалига сазовор бўлганлиги бизни жуда қувонтирди.

**Уч кун давом этган мусобақаларда шахсий ва жамоавий беллашувларда кучлилар номига ойдинлик киритилди. Шунингдек, қатнашчилар Амир Темур жанг усуллари комплекс машқларини маҳорат билан намойиш этдилар.**

— Ёшим саккизда, — дейди Сайдулло Дархонов. — Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 61-мактабнинг 2-синфида ўқийман. Дарсдан бўш вақтимда мураббий Аҳрол Асроровдан ўзбек жанг санъати сирларини ўрганаяпман. Бу спорт тури менга жуда ёқади. Икки йилдан бери шуғулланаман. Уйга олтин медаль билан қайтаяпман. Уйдагилар хурсанд бўлади.

**(Ўз мухбиримиз.)**

Кўргазма залларида

# РАНГТАСВИРЛАРДА ОИЛА МАВЗУСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗДИ. УНДА ЮРТИМИЗНИНГ ТАНИҚЛИ РАССОМЛАРИ ВА ЁШ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ОИЛА МАВЗУСИДАГИ ФОНДДАН ОЛИНГАН ВА ЯНГИ ПОЛОТНОЛАРИ, МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯЛАРИ, НАТЮРМОРТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ГРАФИКА ВА КИЧИК ҲАЖМДАГИ ҲАЙКАЛТАРОШЛИК АСАРЛАРИ НАМОЙИШГА ҚЎЙИЛДИ.



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Зайниддин Мирзаевнинг «Менинг оилам», Дилором Мамедованинг «Паркент Ҳовлиси», Акмал Нурнинг «Оилам», Рустам Бозоровнинг «Командировкага» каби асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди ва уларнинг қалбларида оилага бўлган меҳрни янада мустаҳкамлади.

**Альбина ЖУМАНОВА**

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

АХБОРОТИ

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2012 йил 23 ва 30 август куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг Республика инкассация хизмати» ДУК балансидаги**

д/р 01/234MBA бўлган «КамАЗ-5915» 19 500 000 сўмга,
д/р 01/268MBA бўлган «КамАЗ-5320» 21 500 000 сўмга,
д/р 01/274MBA бўлган «ДЭУ Принц» 12 500 000 сўмга,
д/р 01/517MBA бўлган «ДЭУ Принц» 11 500 000 сўмга,
д/р 01/610MBA бўлган «ДЭУ Принц» 10 000 000 сўмга,
д/р 01/495MBA бўлган «ДЭУ Принц» 10 000 000 сўмга,
д/р 01/405MBA бўлган «Принц» 10 300 000 сўмга,
д/р 01/415MBA бўлган «Эсперо» 8 500 000 сўмга,
д/р 01/516MBA бўлган «Эсперо» 8 500 000 сўмга,
д/р 01/309MBA бўлган «Сиело» 12 500 000 сўмга,
д/р 01/672FAA бўлган «Нексия Донс» 21 000 000 сўмга,
д/р 01/520WBA бўлган «Нексия» 17 000 000 сўмга,
д/р 01/718EAA бўлган «Нексия» 23 000 000 сўмга,
д/р 01/789FAA бўлган «Нексия» 25 000 000 сўмга,
д/р 01/729EAA бўлган «Нексия» 22 500 000 сўмга,
д/р 01/726EAA бўлган «Нексия» 26 000 000 сўмга,
д/р 01/745EAA бўлган «Нексия» 26 500 000 сўмга,
д/р 01/749EAA бўлган «Нексия» 28 500 000 сўмга,
д/р 01/721EAA бўлган «Нексия» 23 000 000 сўмга,
д/р 01/784FAA бўлган «Дамас» 25 000 000 сўмга,
д/р 01/746EAA бўлган «Дамас» 16 000 000 сўмга,
д/р 01/781FAA бўлган «Дамас» 18 000 000 сўмга
д/р 01/769FAA бўлган «Тико» 20 000 000 сўмга,
д/р 01/273MBA бўлган «Тико» 18 000 000 сўмга,
д/р 01/603MBA бўлган «Нексия» 17 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент вилоят партия кенгаши халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировга онаси
**Рафиқа ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Murodulla ABDULLAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Latif G'ULOMOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Bobir ALIMOV, Tat'yana KISTANOVA, Ochilboy RAMATOV, Sharbat ABDULLAYEVA, (Bosh muharrir o'rinbosari) Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10525 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 01.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Nurali ORIPOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5